


Қишлоқ хўжалиги

2017 йил январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 346,9млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,7 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 57,0млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 113,4фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 281,9млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 105,7фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 8,0млрд.сўмни ва ўтган йилга нисбатан 106,0фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 97,1 фоизни ташкил этди, жумладан деҳқон хўжаликларининг улуши 88,9 фоизни ташкил этмоқда.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1173,1 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан 3,5фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 382,4минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6фоизга кўп), қўй ва эчкилар 1999,4 мингбошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4фоизга кўп), паррандалар 3807,4минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,8фоизга кўп) ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--|---------------|--------------------|
| Йирик шохли қорамол | 1173,1 | 103,5 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 60,9 | 103,4 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1101,5 | 103,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 10,7 | 172,6 |
| улардан сигирлар | 382,4 | 100,6 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 17,4 | 100,6 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 362,1 | 100,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 2,9 | 120,8 |
| Қўй ва эчкилар | 1999,4 | 102,4 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 213,1 | 106,6 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1630,3 | 102,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 156,0 | 93,9 |
| Отлар | 4,6 | 100,9 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 0,6 | 100,4 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 3,7 | 100,3 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,3 | 110,8 |
| Паррандалар | 3807,4 | 110,8 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 197,6 | 107,2 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 2513,8 | 108,8 |

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--|----------|--------------------|
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1096,0 | 116,5 |

2017 йил 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 42421 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9фоизга кўп), 170150 тонна сут (6,0фоизга кўп), 74110 минг дона тухум (4,1фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,0фоизни, сут ишлаб чиқаришда 94,7фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 44,8фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:


| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|--|--------------|--------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тн. | 42,4 | 105,9 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1,1 | 102,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 40,7 | 105,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,6 | 118,9 |
| Сут, минг тн. | 170,2 | 106,0 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 8,1 | 109,1 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 161,2 | 105,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,9 | 155,5 |
| Тухум, млн. дона | 74,1 | 104,1 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1,3 | 118,8 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 33,2 | 113,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 39,6 | 97,3 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

Гўшт
(тирик вазнда)

Сут

Тухум



- Қишлоқ хўжалиги корхоналари
- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон хўжаликлари

Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатида фермер хўжаликларида 60,9минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 17,4минг бош сигир, 213,1минг бош қўй ва эчкилар, 197,6минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2016 йил январь-март ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 3,4фоизга, қўй ва эчкилар 6,6фоизга, паррандалар 7,2фоизга кўпайган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш куйидагича ифодаланади:

| | 2016йил январь-март | | 2017йил январь-март | | ўсиш суръати, % |
|---------------------------------------|------------------------|---|------------------------|---|-----------------------|
| | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | |
| Гўшт, тирик вазнда | 1070 | 2,7 | 1098 | 2,6 | 102,6 |
| Сут | 7421 | 4,6 | 8095 | 4,8 | 109,1 |
| Тухум, минг дона | 1130 | 1,6 | 1343 | 1,8 | 118,8 |
| Қорақўл тери, дона | 8729 | 6,2 | 9300 | 6,5 | 106,5 |
| Ёпиқ ерларда етиштирилган сабзавот | 536 | 21,9 | 602 | 20,5 | 112,3 |